

Дунёнинг кетиши, турмушнинг оқишида шундай воқеалар пайдо бўладирким, у воқеаларга ўхшаш холлар ундан бурун ҳам кўрулиб ўтади.

Ана шу вақтларда маҳмадона, чечан кишилар чиқиб «тарих тақаррур қилаётир», деб шовкун-сурон қилиб юборадилар.

Мен маҳмадона ҳам эмасман, чечан ҳам. Шовкун-сурон қилмок ҳам кўлимдан келмайдир. Мен, ўзинг билган Фаргонанинг баъзи бир аҳволларини, эски қотибларнинг қалами қандай секин юрса, шундай секинлик билан ховликмасдан, шошилмасдан сизга ор қилиб этмакчиман.

Шу холос.

Фаргонанинг 1919 ва 20-йиллари эсингизда бордир. Фаргонада оқкон ҳакли ва ҳаксиз қонларнинг хиди Тошкент, Самарқандларни эмас, Москва, Ленинградни ҳам тутиб кетди. Шунча қон тўқилган жойда, албатта, воқеа эмас, ходисалар бўлуб турадир.

Ходиса ва воқеалар шу қадар тез ва шошилишлик билан юз кўрсатадирларким, уларни тарих бетларига жойлаб қолмок ҳам жуда қийин бўладир.

Фаргонада ҳам шундай бўлди. Кечаги воқеалар бугун эсан қикди. Эртанги воқеа олдида илгари қунгиси ҳеч нарса бўлмай қолди. Ақллар, ҳатто шу воқеаларга гувоҳ бўлатурган бир тарих борлигини ўз доираларига қигдира олмай қолдилар.

Шундай вақтда бизнинг буюқ бир ҳиссиётли адиб ва шоиримиз чиқиб, ўшал воқеаларнинг ҳаммасини адабий томоша, нафис песа ҳолида тарих бетларига нақш қилиб қолмокчи бўладир. Журъатни, жасоратни қаранг!

Ҳамза Ҳакимзоданинг 6—7 бўлақдан иборат валуолалик (сенсатсионний) «Фаргона қожеалари» ана ўшал ховлиқишнинг мевалари эди. Томошачи муаррихимиз ўз асарларини ўшал вақтда «тарих учун оддий бир матириёл» деб ўйлагон эмас. Ҳатто, муни даъво қилиб қикқанлардан жуда қаттиқ ҳафа бўлгон. «Фаргона қожеалари» муаллифининг фикрича Шекспирнинг «Ҳамлет», «Макбет», «Рўмеў ва Жулет» ларининг ўзбек ва Фаргона мухитидан етишганларигина эди; шунинг учун унда юқсақ мафқурали қизлар, юқори тушунчали аллақандай Талъат афандилар бор эди.

Ўшал вақтнинг оммаси ҳалқи ҳам қизик. «Фаргона қожеалари» дедими, 5000 киши қигатургон қенг саҳналарга ҳам одам лик тўла берган. Муни кўрган муаллиф, «қимматлик, «нафис» асарларини қенг Туркистоннинг у бошидан бу бошигача кўтариб қориб, ўйнатиб юрган...

Орага «Чигатой гурунги» деган бир жамият қикиб қолди. У жамиятга мансуб кишилар тилни соддалаштирмақ мақсадини асос қилиб ушлаганлари қолда, ўзбек адабиётининг тугалланишига ҳам қатта аҳамият бердилар. Тугалланадургон адабиёт қин адабиёт бўлмоқи қерақ. Шунинг учун адабий асарларга ҳақиқий қийматини қериб, адабиёт қира олмагон нарсаларни шафқатсиз суратда майдондан ҳайдай бошладилар. Ана шу ҳаракатнинг зарқига учрагонлар орасида, Хуршид Шарафнинг «Қичик асар»и (ўзича: «Қучук асар») билан бирга бизнинг «Фаргона қожеалари» ҳам бор эди.

«Чигатой гурунги» асосини маҳкам қургонлиқи ва қизикни тўғри қизгонлиқи учун — ўзи йўқ қетса ҳам ўзбекнинг янги адабиётида янги, қорлоқ, шарафлик саҳифалар оқди ва оқмоқда давом этадир.

Леқин, қуруқ воқеаларни инғичқа, нозик адабий йўл билан кўрсатмақ истаган «Фаргона қожеалари» ўшал вақтларнинг ўшал вақтдақи ҳабар (хроника) ларидан бошқа нарса

бўла олмадилар. Шунинг учун 20-йиллардаёқ мотамсизгина кўмулдилар.

Тарихнинг такарруримикан?

Яқинда Кўкон (Фаргона музофотининг пойтахти) шаҳарининг кўчаларида бир хитобнома кадар узун, Бухородаги «Анас» ёки «Улуг Туркистон» газетасининг тилидек «курама» бир эълон ўқудим. Эълонда: бир-икки соатлик мукаддима (тўгриси, реклам!) дан сўнг «Фаргона фожеалари»нинг сахнага кўйилгуси хабари берилган. Хайрон бўлдим, шошдим. Нима учун шошдинг дейсизми? Бу дунёда «ўликларнинг кайтадан тирилишига» ишонмагоним учун! Шу учун хайрон бўлиб шошкон эдим, локин «Рахимбоев» тиётрининг пардаси очилиб, «босмачи» ва «дошнок» сўзлари эшитилгандан сўнггина «ўликларнинг тирилмаги мумкин бўлгонлигига» ишондим.

Песадан гапириб ўлтурмайман. Пес ва мохов килиб ўйнолгонидан ҳам сўз очмайман. У кунги ўйинга ўшал ўзингиз билган «атокли актриса» Кузнетсова ҳам оралашгон эди. Оврупо асарларида бир овруполи киз рўлини қандай ўйнаш лозим бўлса бир ўзбек кизи рўлини Фаргона сахнасида шундай ўйнагон Кузнетсова у кун сахна олдига чикиб гапирган бир ўрток томонидан жуда кўб махталди. Шу жойни сизга билдириб ўтмасам бўлмайдир. Ўзи оддий бир хизматчи бўлгони холда, «Истамбул дорилфунуни муаззинлари»дек гапиратургон бир дошнок армани рўли ҳам бор. Бу рўлни ўйнаган «Уста» артист арман-озарбайжон тилларининг хусусиятидан шу кадар хабарсиз эдики, ўшал вақт дошнокларининг зулмларини кўрсатмак билан эмас, тилларини бузуб, масхара килиб гапирмак билан уларнинг адабини берган бўлди... Баракалла, бу ҳам катта хунар! Мен, у тўғрида кўп гапирмокчи эмас эдим. Баъзи бир удур-будур ерларини кўрсатиб ўтаман деб, хийла вақтингизни олдим. Меним асл тўхталмок истаган нўктам шудирким, шу песани шу холда ўйнамок билан ишга киришган шу театр тўдаси, махаллий маблагнинг таъминотига ўтказилар эмиш деган гап бор. «Фожеалар»нинг муаллифи ва тўданинг рухи бўлгон Хамза Хакимзода ўртоғимиз, атай шу иш учун Хевадан чакирилиб келтирилган. Хамза ўртокнинг ўзи ҳам хусусий бир гаплашиш вақтида «шу тўғрида 20—30 кишилиқ исмета тузиб музофот ижрокўмига топширмокчи бўлгонини» айтиб ўтди. Ўзбек театрини тиргизмак, ўзбек санъатини яшатмок йўлида Фаргона музофот ижрокўмининг жиддий ҳаракат кўрсатиши — олқишга лойик иш. Лекин шуни билмак керакким, ўзбек театр ва санъати бу хил санъатдан йирик асарлар ва санъатга 1919 йил кўзи билан қарайдургон тўдалар томонидан тиргизилиб, яшатила олмас. Бу муҳим ишни ёш кучларга, санъатни тўғри кўриб таний оладургон кучларга топширмок керак. Шубҳасиз, Хамза ўрток ўзбек театрининг, ўзбек санъатининг юксалишида муҳим бир омил бўла оладир, уни бу соҳада ишлатмак керак. Лекин унга билдирмак, тушундирмак керакким, ўзбек театрини, Туркистоннинг марказида собик «Карл Маркс» тўдаси бошлагон тўғри йўл билан олиб бормок керак. Бу тўғри йўлга тушгани унамасалар тарихни курамаслик билан «такаррур» кидирмокчи бўлсалар, сахнани воқеаларнинг курук бир хабарлар бобидан иборат қилмок истасалар— уларга хоҳ махаллий маблаг ва хоҳ бошқа маблагдан бир чака бериш керак эмас.

19-йилнинг «фожеафурушлик» даври ўтган ва тарихнинг бу «такаррури» биз учун

зарарлик!..

«Туркистон» газетасининг 1924 йил 14 октябр сониди эълон қилинган

Такаррур — арабча, такрор сўзининг кўплиги.

«Фаргонанинг 1919 ва 20-йиллари эсингизда бордир» — Кўкон мухториятининг қонуний ҳукумати болшевиклар томонидан махв этилган, Фарғонада бирин-кетин дахшатли хунрезликлар содир этилди: Кўконнинг вайрон қилиниши, дашноклар киргини, миллий гурурини ва миллий эркини химоя қилиб чиққан эрксеварлар (яъни босмачилар) билан уруш, дахшатли очарчилик... Чўлпон айна шу нарсаларни эслатмоқчи бўлади.